ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

29
(930)-son
16-iyul
www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz
2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Устоз талабалар

## компютер саводхонлиги машғулотларини бошлаб юборишди

- Талаба ёшлар отрядлари ёрдамида аҳолида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида республикамиз туман, вилоят ва шаҳар марказларидаги **200**та касб-ҳунар коллежида ўқув аудиториялари ташкил этилди.

- Ушбу аудиторияларда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг жойлардаги филиалларида таълим олаётган **400** нафар иқтидорли талаба ҳамда **15** нафар гуруҳ раҳбари компютер саводхонлиги бўйича машғулотлар олиб боришяпти.

- Устоз талабалар **400** нусхадаги ўқув қўлланмаси, **400**та дискда тақдимот материаллари, UzMOT миллий амалиёт тизими ва isoft.uz интерфаол ўргатувчи дастурий мажмуа асосида дарс ўтмоқдалар.





**Давр шиддат билан ривожланмоқда. Бирор-бир соха йўқки, у ерга ахборот технологиялари ва воситалари кириб бормаётган бўлса. Бу эса замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштиришдек муҳим вазифани изчил амалга оширишни тақозо этяпти.**

5-бет

Алоқа оламида:



### Сўнгги янгилик!

Ўтган ҳафта жаҳон бўйича мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 5 миллиардга етди. Бу рақам абонентлар сонини эмас, балки тармоққа уланган қурилмалар сонини англатади (бир киши бир нечтагача телефондан фойдаланиши мумкин).

Ўн йил аввал, 2000 йили мобил телефондан фойдаланувчилар сони 720 миллион кишини ташкил этганди. Бугунги кунда биргина Хитойда шунча абонент бор.

Халқаро электралоқа иттифоқи ҳисоб-китобларига кўра, 2010 йил охирига бориб кенг полосали мобил уланишлар сони 1 миллиардга етаркан.

### Ушбу сонда:

- Рақамли телевидение: Теледастурлар сони 25тага етди 3
- Celeron тўхтатилади 4
- Гражданское право на доступ в интернет 6
- Хайр, Мото! 11
- Бир сўз борки... 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ UzNet Internet Service Provider сифат рамзидир

## Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ижро этилишига оид назорат-таҳлил натижалари муҳокама қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилди.

**Пойтахтимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида аёллар ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофазасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

“Ўзэкспомарказ”да Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи якунланди. Тадбир рақобатбардош, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан, мамлакатимизнинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинди.

**“Бухоро” халқаро аэропорти ўтган йили халқаро “Аэропорт” ассоциацияси томонидан МДҲ мамлакатлари ўртасида энг яхши аэропорт, деб топилган эди. Яқинда “Бухоро” халқаро аэропорти 2009 йилги кўрсаткичлари учун мазкур ассоциация ташкил этган навбатдаги танловда “Барқарор ривожланаётган аэропорт” номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, соврин билан тақдирланди.**

Пойтахтимизда ёш ҳаваскор киноижодкорларнинг “Она замин” деб номланган фестивали бўлиб ўтди. Баркамол авлод йилига бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Республика киновидеоҳаваскорлар жамияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

**Гулистон шаҳрида “Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари” ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада вилоят шаҳар ва туманларидан келган 540 киши доимий ишли бўлди. Ишга кирганларнинг 431 нафарини ёшлар ташкил этади.**

PARLAMENT HAYOTI

# Назорат ва таҳлил

**Жорий йилнинг 8 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**



«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси масалалари йиғилиш муҳокамасидан ўрин олди.

Тадбирда Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси, қўмитанинг мазкур қонунлар ижросини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Ш.Деҳқоновнинг маърузаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияевнинг ахбороти тингланди.

Маълум қилинишича, айни пайтда Тошкент шаҳрида 198 номдаги газета, 200 номдаги журнал, 16та радио, 124та веб-сайт мавжуд. Уларнинг 50 фоиздан ортиғи нодавлат ва хусусий нашрлар ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидланишича, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ўз Низомларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда изчилликка амал қилган ҳолда мамлакатимиз ва пойтахт сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги янгиликлар, соҳалардаги ислоҳотлар, республика ва жаҳонда юз бераётган ахборотларни тарқатишда фаоллик кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, айрим оммавий ахборот воситалари фаолиятида камчилик ва муаммолар кузатиляпти. Масалан, 2010 йил бошидан ҳисоблаганда, Тошкент шаҳридаги оммавий ахборот воситалари томонидан юқоридаги қонунларнинг бузилиши бўйича даврий нашрларда 25та, телерадиоканалларда 5та, .UZ доменидаги веб-сайтларда 18та ҳолат кузатилган.

Ўрганишларга кўра, баъзи таҳририят ва муҳарририятларда ҳамон малакали кадрлар етишмайди, таъсис ҳужжатлари камчиликлардан холи эмас, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаб эфирга узатиш жараёнларда соҳага оид қонунлар бузилишига йўл қўйилмоқда. Шунингдек, таҳририятнинг мақолалар учун жавобгарлиги, айрим хусусий нашрларда чоп этилаётган мақолаларнинг маънавий қадриятларимизга нечоғлиқ мос келиши, реклама, муассис ва нашр ўртасидаги муносабатлар, таҳририятларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист меҳнатини рағбатлантириш каби масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

*Собит АҲАДОВ,*
*«Xabar»мухбири*

# Огоҳ бўлайлик!

Бугунги куннинг энг даҳшатли хатарларидан бири, ҳеч шубҳасиз, диний экстремизм ва террорчиликдир. Бу хатар ҳам, бошқа иллатлар қатори, аввало ёшлар қалбини эгаллаш, шу орқали ўз сафларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Диний экстремизм ва террорчилик ёвуз мақсадларини турли ғоялар билан ниқобламоқчи бўлади. Улар “ислом давлати қуриш”, “диний софлик”, одамларни диний ёки миллий асосда бирлаштириш деган ғоялар билан ниқобланиб, дунёнинг турли минтақаларида қўпорувчилик ва қонли жиноятларни амалга оширишга уринишади. Энг ёмони, бу жирканч ишлар бевосита ёшларнинг қўли билан содир этилишидир.

Диний экстремистик оқимлар турли бузғунчи мазмундаги адабиётлар, аудио ва видеодискларни тарқатиш билан шуғулланадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда нур-зиё тарқатувчи масканлардан бири бўлган ахборот-кутубхона маркази ва ресурсларида огоҳлик, сергакликни кучайтириш ишларига алоҳида аҳамият бериш зарурияти туғилмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти А.С.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона маркази ходимлари ва фаол китобхонлар ўртасида “Диний экстремизм ва унинг олдини олиш” мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Барча йиғилиш қатнашчилари диний экстремизм ва унинг олдини олиш, республикамиз мустақиллигини асраш, тинчлик ва фаровонлигимизни таъминлаш учун курашиш ҳамда огоҳликни қўлдан бермаслик тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

*Маҳбуба КУЛОВА,*
*АКМ илмий услубият бўлими мудири*

# Янгиқишлоқдаги янги имконлар

**Бугун республикамизнинг олис чўл зоналари, бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларида алоқа хизматини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Нурота — Янгиқишлоқ йўналиши бўйича оптик толали алоқа кабели ташланишига киришиш ҳам Нуротадан Жиззахгача бўлган масофада алоқани янада яхшилаш мақсадида амалга оширилмоқда.

— 169 километр узунликдаги магистрал алоқа линияси қурилиши қизғин давом этмоқда, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳасанжон Қаюмов. — Ҳозиргача 140 километрдан ортиқ масофага кабел ётқизилди.

Бу масъулиятли вазифани 10-шаҳарлараро магистрал алоқа тармоғи боғламаси техник директори Малик Ситдиқов, мутахассислардан Саъдулло Норов, Амрилло Қўзиев, Баҳодир Мансуров, Оқилжон Неъматовлар сидқидилдан моҳирона уддаламоқдалар.

Янгиқишлоқдаги бу янги имкониятлар шарофатидан Нурота туманидаги Темирқовуқ, Сентоб, Катта Эж, Қизилча аҳоли масканлари баҳраманд бўлиб, замонавий алоқа ҳамда интернет хизматларидан кенг ва сифатли фойдаланиш йўлга қўйилишига шубҳа йўқ.

*Ўз мухбиримиз*

# РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ:

## Теледастурлар сони 25тага етди




**Рақамли телевидение. Кейинги пайтда бу сўз тез-тез тилга олиняпти. Унинг имкониятлари ҳақида бот-бот гапиряпмиз. Республикамиз аҳолиси учун сифатли телекўрсатувларни етказиб бериш мақсадида рақамли телевидение технологиялари босқичма-босқич жорий этилиб, 2015 йилгача рақамли телевидениега тўлиқ ўтиш мўлжалланган.**

Ер усти эфирли рақамли телевидение тарқатишнинг асосий мақсади – бу кўп дастурли телевидение дастурларини тарқатиш хизматларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, интерфаол хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш, юқори аниқликдаги телевидение видеотасвирларини узатишдан иборатдир.

Республикамизда бу тизимга ўтишга 2007 йилдан киришилган эди. Шу мақсадда “INVERSON TECHNOLOGIES SA” (Швейцария) ва “Курт Миттерфелнер Гмбх” (Германия) компаниялари билан иккита лойиҳа амалга оширила бошланди. 2008 йилнинг август ойида Тошкент телеминорасида 42 ТВК русумли қуввати 2 кВт ва Бухоро радиотелевизион узатиш станциясида худди шундай русумли қуввати 2,3 кВт бўлган телевизион узатгичлар ўрнатилди. 2008 йилнинг 1 сентябридан Тошкентдан Бухорога 34 Мбит/с тезликда 12та теледастур рақамли шаклда тажриба-синов тариқасида “Ўзбектелеком”АК нинг “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали каналлари орқали узатила бошланди. Рақамли телесигналларни қабул қилиш учун эса тюнер зарур бўлади. Шу мақсадда “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ томонидан Set-Top-Box DVB-T1000MP4 тюнерини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Рақамли теледастурлар тармоғи абонентлари билан самарали ишлаш мақсадида республикамизда “UZDIGITAL TV” МЧЖ ташкил қилинди. Мазкур корхона мижозларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш, тариф сиёсати ишлаб чиқиш, рухсатнома ҳамда лизензия (сертификат)лар олиш билан шуғулланади. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда рақамли телеэшиттиришларни ривожлантириш мақсадида Самарқанд, Андижон, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида рақамли телеузатгичлар ўрнатиш режалаштирилган. Яқинда Тошкент телеминорасига NEC компаниясининг рақамли телеузатгичи ўрнатилди.



Июл ойидан бошлаб эса 25та теледастурга мўлжалланган иккита рақамли узатгич тажриба-синов тариқасида ишга туширилди. Келгусида ушбу каналлар сонини 40тага етказиш мўлжалланган.

* **Рақамли телевидение** – (инглизча – Digital television, DTV) – видео ва аудиосигнални транслятордан телевизорга рақамли модуляцияни қўллаган ҳолда маълумотларни ихчамлаштирган тарзда пакетли етказиш усулидир. Рақамли телевидениенинг бир нечта стандарти мавжуд. Ўзбекистонда Европа рақамли телевидение стандарти DVB-T (Digital Video Broadcasting Terrestrial) қабул қилинган.

* **Set-Top-Box DVB-T1000MP4** – замонавий тюнер бўлиб, DVB-T MP4 стандартидаги сигналларни қабул қилади. Курилма жамланмасидан қабул қилгич (приёмник), масофадан бошқариш пулти, аудио+видеокабел (A/V) ўрин олган. Антенна қурилмага улангандан сўнг, тармоққа боғланади. Йўриқнома асосида каналлар тўғриланади. Бу қўлда ёки автоматтик равишда бажарилиши мумкин. DVB-T MP4 қабул қилгич аналогли ва рақамли узатиш стандартларида ишлай олади.

ALOQA KORXONALARIDA

# Ҳамжиҳатлик

“Бирлашган ўзар” деганлари рост экан. Биз музработлик алоқа ходимлари бу ҳикматнинг чуқур ўйлаб айтилганига яққол гувоҳ бўлиб турибмиз. Боғламамиз раҳбари Аъзамжон Дониёровнинг хизматни замонавийлаштириш жараёнини биргаликда олиб боришни таклиф қилгани баъзиларга хуш ёқмаган эди. Кейинчалик улар ҳамжиҳатликда гап кўплигини билишгач, ноўрин эътироз билдиришганидан бироз хижолат чекиб қолишди.

Кейинги икки йилда қилинган иш ҳажм жиҳатидан анча салмоқли бўлди. Дастлаб бизнинг хўжалик ҳудудида замонавий электрон рақамли телефон ўрнатиш билан боғлиқ ишлар жамоа бўлиб бажарилди. Сўнгра “Янгиобод”, “Ат-Термизий” хўжаликлари ҳам шундай имкониятга эга бўлди. Яқинда тумандаги Гагарин ва Ат-Термизий маҳаллаларига 150 рақамли электрон телефон тармоғи ўрнатилди.

Амалдаги фаолиятимиз худди ҳашар йўлида бажарилаётган ишга ўхшайди. Гоҳида иш бошланган участкада ҳафталаб қолиб кетган пайтларимиз бўлди. Боғлама раҳбарияти етарли шарт-шароитларни яратиб берди. Биз умидли ишга ҳисса қўшаётганимизни дилдан сезиб турдик. Шу боис чарчамадик ҳам. Айниқса, Шамсиддин Осимов, Жўшқин Исоев, Комила Сафарова ва Илҳом Тожиевлар ибрат кўрсатиб ишлашди. Юк машинаси ҳайдовчиси Фахриддин Аъзамов хизмати катта бўлди.

Биз ҳамжиҳат бўлиб ишлашда давом этиб, аҳилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаверамиз.

*Хайруллахон НЕЪМАТОВ,*
*Музработ телекоммуникациялар боғламасининг Абдулла Қодирий хўжалиги АТС бошлиғи*

# Лаҳзалик ақл чархи

**Келажак бугундан бошланади. Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.**

Соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш нафақат таълим тизимида хизмат қилаётган ходимларнинг, балки биз кутубхоначиларнинг ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу ўринда Бобур номидаги ахборот-кутубхона маркази ходимлари ёзги таътилда фарзандларимизнинг мазмунли дам олиши учун турли оммавий тадбирларни айнан болаларнинг дам олиш оромгоҳларида ўтказмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча Андижон тумани “Боғишамол” болалар оромгоҳида “Лаҳзалик ақл чархи” мавзуида бўлиб ўтди. Унда билимдонлар беллашуви ва “Сеҳрли қалам соҳиби” номли расмлар мусобақаси ўтказилди. Тадбирларда оромгоҳнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 201 нафар дам олувчиси иштирок этди.

Билимдонлар беллашуви савол-жавоблар тариқасида ўтказилди. Бунда болаларнинг турли соҳаларга оид мутолаа қилган китоблардан олган таассуротлари синовдан ўтказилди. Кейинги босқич иштирокчиларнинг сўз бойликларини ошириш ва билим доирасини янада кенгайтиришга қаратилди, бунда болалар ўзлари билган мақолларни айтиб, маъносини шарҳлаб беришди.

Расм чизиш мусобақасида болаларга эркин мавзу бўйича расм чизиш шарти қўйилди. Улар Ватан, табиат, она, гуллар, ҳайвонот олами гўзалликлари ҳамда СПИД ва наркоманиянинг зарарли оқибатларини расмларда акс эттириб, ўз иқтидорларини намоён қилдилар.

А.Жўрақулов, Н.Қиличев, Х.Турғунов, А.Абдуқаҳҳоров, Б.Абдураимов, Б.Дадабоевлар тадбирлар ғолиблари деб топилди ва ахборот-кутубхона марказининг совғалари билан тақдирландилар.

***Н.ТЎХТАЕВА,***
***Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ 1-тоифали кутубхоначиси***

# Xalqaro hayot

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Германия 2013 йилгача фуқаролари учун мажбурий ҳарбий хизматни бекор қилмоқчи. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири, вице-канцлер Гидо Вестервелле маълум қилган.

«Бу амалга оширса бўладиган иш ва уни иложи борича тезроқ йўлга қўйиш керак», — дея таъкидлаган у немис оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида.

## ЧИЛИ ЯҚИНИДА ЗИЛЗИЛА

Чоршанба куни Чили қирғоқларига яқин жойда 6,5 балл кучга эга зилзила содир бўлган. Бу ҳақда АҚШ Геология хизмати хабар тарқатган.

Зилзила маркази — Темуко шаҳридан 100 километр олисдаги 28 километр чуқурликда жойлашган.

Ҳеч қандай вайронагарчилик кузатилмаган, цунами хавфи бор-йўқлиги маълум қилинмаган.

## ХИТОЙДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

Хитойдаги сув тошқинлари 100дан ортиқ инсоннинг умрига зомин бўлган. Тахминан 60 киши бедарак йўқолганлар рўйхатида.

Табиий офат йирик дарё — Янцзи ҳавзасида кузатилди.



Июл ойи бошларидан буён кузатилаётган ёмғир ва тошқинлардан Чжэцзян, Анхуэй, Фуцзян, Цзянси, Хубэй, Хунан, Сичуан ва Гуйчжоу провинцияларида яшовчи 29 миллиондан ортиқ одам жабр кўрган. Экин майдонлари, электр таъминоти жиддий зарар кўриб, 42 мингта уй бутунлай, 120 мингта бино қисман бузилган.

## ЖАНУБДА ҚУЁШ ТУТИЛДИ

Шу ҳафтанинг бошларида Тинч океани жанубида Қуёш тутилиши кузатилди.

Тахминан 260 километрлик Ой сояси Кук ороллари, Пасха ороли ва Француз Полинезияси қатор оролларидан ўтган ва душанба куни 01.51да Чили ва Аргентина жанубига етганда Ерни тарк этган.

Бу жорий йилдаги ягона тўлиқ Қуёш тутилишидир.

## БРИТАНИЯ РЕКОРДИ ЎРНАТИЛДИ

Рассом Эдвард Мункнинг «Мадонна» литографияси Bonhams кимошди савдосида 1,25 млн. фунт-стерлингга сотилган. «The Telegraph»нинг хабар беришича, асар кутилганидан икки баравар кўп пул ишлаган.

Аукционлар уйининг маълум қилишича, «Мадонна» Британия рекордини ўрнатган, рассомнинг эса қимматлиги жиҳатидан иккинчи асарига айланган. Унинг «Вампир II» асари 2007 йили Ослода 1,256 миллион фунт-стерлингга сотилганди.

**BIZNES**

## Celeron ТЎХТАТИЛАДИ

Жаҳоннинг энг йирик микропроцессорлар ишлаб чиқарувчиси — Intel корпорацияси жорий йил иккинчи чорагидаги фаолияти якунларини маълум қилди. У таҳлилчилар кутгандан юқори даромад олишга эришган.

Бу даврда олинган соф фойда 2,89 миллиард долларни ташкил этган. Молиявий ҳисоботдан сўнг Intel акциялари баҳоси 5,4 фоизга қимматлашиб, донаси 22,14 долларгача етган.

Корпорация учинчи чоракда 11,6 миллиард долларлик савдони амалга оширни режалаштирган.

Шунингдек, корпорация Celeron процессорларини ишлаб чиқаришни сезиларли даражада камайтиришини ва унинг ўрнига Pentium ва Atom N туркумидаги процессорларга кўпроқ эътибор қаратишини расман маълум қилди.

2011 йилдан эса Celeron чиқарилиши бутунлай тўхтатилади.

**TEXNOLOGIYALAR**

## МУСБАТМИ МАНФИЙМИ — **БАРИБИР**

Энди батареяни қурилмага ўрнатишда унинг қутбланишининг (мусбат/манфий) аҳамияти йўқ. Гап шундаки, Microsoft корпорацияси ишлаб чиққан InstaLoad технологияси қўлланган қурилмалардаги батарея ўрнида «плюс» ва «минус»лар ҳар икки томонда жойлашади.

Портатив қурилма фойдаланувчиларининг бу борадаги мушкулини осон қилиш йўлида Microsoft ёлғиз эмас, унинг ташаббусини батареялар ва аккумуляторлар ишлаб чиқарувчи йирик компания Duracell ва бошқа фирмалар қўллаб-қувватлашмоқда.

Бу янгилик CR123, AA, AAA, C ва D стандартларидаги барча бир марталик батареялар ва аккумуляторлар учун қўлланилиши мумкин.

**RADIO**

## АНЪАНАГА СОДИҚ ИНГЛИЗЛАР

Буюк Британия ҳукумат сайтларидан бирида ўтган сўровномада мамлакат фуқаролари FM ва бошқа эски радиоузатиш воситалари фаолияти тўхтатилишига қарши фикр билдиришган.

Бу ҳолатни рақамли радиоканаллар аксарият ҳудудларда яхши ишламаслиги билан изоҳлашган.

Шунга қарамасдан, маданият вазири Эд Вайзи 2015 йилгача барча FM-радиостанцияларни эфирдан олиб ташлаш керак, деган қарорида қатъий турибди.

«Рақамли радио — бу саноат учун ҳам, тингловчилар учун ҳам улкан имконият дегани. Буни тингловчиларга етказишимиз лозим. Уйда ёки машинада бўладими, овоз сифати янада яхшиланади», — деган у электроника мавзусидаги ўтказилган конференциялардан бирида.



**XAVFSIZLIK**

## 99,4 фоиз ВИРУС Windowsга ҚАРАТИЛГАН

G Data компанияси ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, зарарли дастурлар орасида жосуслик дастурий маҳсулотлари улуши сўнгги олти ойда 50 фоизга етган. Интернет-жиноятчиларнинг асосий мақсади маълумотларни қўлга киритишга қаратилган: жиноий мақсадларда фойдаланиш ва қора бозорда сотиш учун кредит карталари ва онлайн-банкинг маълумотлари, аккаунтлар ва пароллар ўғирланмоқда.

Microsoft Windows амалиёт тизимлари фойдаланувчиларидан, айниқса, ҳушёр бўлиш талаб этилади, чунки юқоридаги сингари зарарли дастурларнинг 99,4 фоизи айнан уларга қаратилган.

## ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР



Замонавий телефонларда, айниқса, смартфонларда биз ўйлагандан ҳам кўра кўпроқ ахборот сақланиб қолади, деб ёзади USA Today газетаси. Бу маълумотлар телефон эгасига қарши ишлаши мумкин — агарда у бирон-бир жиноятда гумондор бўлса.

Ёзиб олинган телефон сўзлашувлари ёки SMSлар жиноий қидирувда одатий ҳолга айланган. Эндиликда суд амалиётида GPS ва бошқа маълумотлардан фойдаланиш ўрганиляпти.

Мазкур масалалар бўйича мутахассис Сэм Бразерснинг айтишича, аксарият фойдаланувчилар телефонларидаги маълумотларни қандай ўчиришни билишмайди. Собиқ хакер Жонатан Здзиарски эса бу мавзуга бағишлаб бутун бошли бир китоб ёзган («iPhone Forensics»).

**JAMIYAT**

## ИНТЕРНЕТ-ШОПИНГ ИШҚИБОЗЛАРИ

Осиё-Тинч океани минтақаси аҳолиси энг кўп интернет савдо билан шуғулланаркан. Nielsen компаниясининг аниқлашича, бу ерда яшовчиларнинг 35 фоизи интернет-шопинг учун ойлик даромадининг 11 фоизини сарфлаяпти. Бу борада жанубий кореяликлар етакчи — 59 фоиз, кейинги ўринда хитойликлар — 41 фоиз. Улар интернет воситасида асосан китоблар, кийим-кечак, пойабзал, авиачипталар, электроника жиҳозлари харид қилишади, меҳмонхоналардан жой эгаллашади.



# Устоз талабалар

## компютер саводхонлиги машғулотларини бошлаб юборишди

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)*

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида белгиланган “Ҳаётнинг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан ҳар бир ташкилот ва оилада фойдаланишни тарғиб қилиш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида АКТ соҳасида билимлар олишни рағбатлантириш” ҳамда “Аҳолининг ўқув юртлари компютер синфлари ва интернет тармоғидан жамоатчилик фойдаланиш пунктлари базасида ахборот технологиялари асосларига ўқитиш тизимини ташкил этиш, АКТ асосларига ўқитиш бўйича компакт дискларда ўқув мултимедиа тақдимот материаллари тайёрлаш ва тарқатиш” каби бандларининг бажарилишини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда... 

Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич иқтидорли талабаларидан ташкил этилган “Бунёдкор ёшлар” ўқув отрядлари томонидан республикамизнинг 200дан ортиқ туманларида ёшлар ҳамда давлат органлари ходимларини компютер саводхонлигига ўқитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар шуларнинг бири.

— Айни кунда барча ишларимиз махсус режа асосида олиб борилямпти, — дейди ушбу лойиҳа учун масъул, ТАТУ Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази раҳбари Ўткир Ҳамдамов. — Республика бўйича ҳар бир туман, вилоят ва шаҳарлар марказида биттадан ўқув пункти ташкил этилган. Ҳар бир пунктга икки нафардан талаба ажратилган. Бу талабалар компютер синфи, 10тадан замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш бўйича тренинг курслари қўлланмаси, DVD-дискларга жойлаштирилган мултимедиалар билан таъминланган. Ўқув курслари 5 июлдан бошланди. Ҳар бир курс беш кундан бўлиб, жами 20 кун давом этади. Режа бўйича биринчи беш кунликда туман ёки шаҳар коллежларининг ўқувчи ва ўқитувчилари таълим олишган бўлса, иккинчи беш кунликда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ўқишди. Қолган икки беш кунликда “Маҳалла” хайрия жамғармаси ходимлари ҳамда ҳокимлик органлари ва соҳа корхоналари ходимлари компютер бўйича билим-малакаларини оширишади.



Биз ўқув машғулотлари олиб борилаётган масканлардан бири — пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган политехника касб-ҳунар коллежида бўлдик. Ушбу билим даргоҳидаги компютер саводхонлиги ўқув курсларини ТАТУнинг иқтидорли талабаларидан Ҳаётилла Раҳмонов ҳамда Виктор Специвцевлар олиб боришяпти. Уларнинг тингловчилари эса ўша куни “Маҳалла” жамғармалари фаоллари экан. Уларнинг дарсларни тўлиқ ўзлаштиришга ҳаракат қилаётганлари юз-кўзларидаги диққат-эътибордан кўриниб турарди. Дарс тугагач, биз тингловчилар фикри билан қизиқдик.

— Мен Миробод туманидаги маҳаллалардан бирида маслаҳатчи бўлиб ишлайман, — деди Дилором Ҳакимова. — Ушбу курсларни ташкил этганларга раҳмат. Ўтилаётган дарслардан кўп нарсаларни билиб оляпман. Барча ёзув ишлари компютерлар орқали амалга оширилаётган ҳозирги даврда бу ўқув курслари айни муддао бўлди. Қолаверса, ТАТУ талабаларидан ҳам ғоят миннатдормиз. Улар бизнинг ҳар бир саволимизга эринмай жавоб бериб, кундалик иш фаолиятимизда керак бўладиган ҳар бир жараённи аниқ кўрсатиб беришяпти.

Ҳа, ТАТУ талабалари ўзларининг ёзги таътилларини ана шундай эл учун фойдали, зиммаларига юклатилган вазифани тўлиқ бажарган ҳолда ўтказмоқдалар, устозлари ишончини оқламоқдалар.

*Муборак МИРКАМОЛОВА,*
*“Xabar” мухбири*

### САМАРҚАНД

Ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётнинг барча соҳаларига жорий этиш бугунги куннинг долзарб талабларидан бири эканлиги барчага равшан.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бевосита раҳбарлигида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали иқтидорли талабаларидан бир гуруҳи вилоят аҳолиси ўртасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув курслари олиб бормоқдалар.

Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларидаги 18та коллежда 36 нафар ТАТУ талабаси қатор академик лицей ва коллежлар ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ходимлари ва фаоллари, маҳаллий ҳокимлик органлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари учун ўқув дарслари ўтишмоқда.

Ўқув аудиторияларининг барчаси компютерлар, принтерлар, видеопроектор ва экранлар, аудиоколонкалар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали иқтидорли талабаларидан 26 нафари Жиззах вилоятидаги 13та туман коллежларида, 24 нафар талаба Бухоро вилоятининг 12 туманида фуқаролар учун «Компютер саводхонлиги»гидан ўқув машғулотлари олиб боришяпти.

Замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари дарслари шу йилнинг 30 июлига қадар давом этади.

*Абдуғафур ҲОТАМОВ,*
*“Xabar”нинг*
*Самарқанд вилоятидаги мухбири*

### ФАРҒОНА

ТАТУ Фарғона филиали талабаларидан таркиб топган “Бунёдкор ёшлар” гуруҳлари ёзги таътил чоғида Фарғона, Наманган, Андижон шаҳар ва туманларида бўлишиб, аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништириш ва уларнинг компютер саводхонлигини ошириш бўйича тренинг ўқув курсларини ташкил этишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш жараёнларига кўмаклашиш амалга оширилади.

“Менинг назаримда, — деди ёшларни эл хизматига кузатар экан филиал директори Р.Тешабоев, — сизлар амалга ошираҳиган иш “Бунёдкор ёшлар” атамаси моҳиятини янада очиб юборгандек бўлди. Чунки тренинг курсларида иштирок этиб, аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништириш ва уларнинг компютер саводхонлигини ошириш республикамиздаги улкан бунёдкорлик ҳаракатига ҳисса қўшиш, демакдир”.

*Набижон СОЛИЕВ,*
*ТАТУ Фарғона филиали доценти*

### НАВОИЙ

Барчамиз ёзги таътил мавсумида талабалардан ташкил топган “Бунёдкор ёшлар” қурилиш отрядларини яхши биламиз. Талабалар отряди деса кўз ўнгимизга қурилиш майдонларида яратувчилик билан банд ёки қишлоқ хўжалик ишларини амалга ошираҳиган бунёдкор ёшлар гавдаланади. Бу йилги “Бунёдкор ёшлар” гуруҳининг миссияси бутунлай бошқача. Улар аҳолининг маънавий дунёсини бойитишни, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишни ўз олдига мақсад қилган янги йўналишдаги гуруҳ.

Ушбу ўқув отрядлари хайрли ният билан Навоий вилоятига ҳам ташриф буюрди. Ўқув тренинглари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

Мазкур ўқув курсларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич иқтидорли талабалари ўқув тренингларини замонавий интерфаол усулда, диск ҳамда ўқув қўлланмалари ёрдамида муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

*М.ҲОСИЛОВА*

### ҚАШҚАДАРЁ ва СУРХОНДАРЁ

ТАТУнинг Қарши филиали талабаларидан ташкил топган “Бунёдкор ёшлар” отрядлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари марказлари ҳамда туманларида ўқув семинарларини олиб бормоқдалар.

— Жами 58 нафар “Бунёдкор ёшлар” отряди аъзоларининг 28 нафари вилоятимизда, 30 нафари Сурхондарё вилоятида ўқув семинар машғулотларини олиб бормоқдалар, — дейди филиал директорининг ўринбосари Муслим Муродов. — Аввало шуни таъкидлашим жоизки, бу машғулотларни олиб бориш учун ўқув дастурларини пухта ўзлаштирган талабалар танлаб олиниб, уларнинг дарс беришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жойларда ташкил этиладиган ўқувлар олдидан танлаб олинган талабаларга филиалимиз профессор-ўқитувчилари, вилоят ҳокимлиги компютерлаштириш марказининг малакали мутахассислари семинарлар ўтишди.

*Афтондил ИСМОИЛОВ,*
*“Xabar”нинг*
*Қашқадарё вилоятидаги мухбири*

# IT-СПЕЦИАЛИСТЫ И СТУДЕНТЫ ПРОВЕЛИ АКЦИЮ «ПОДАРИ ДЕТЯМ РАДОСТЬ»

**Благотворительная акция «Подари детям радость» состоялась недавно. Сколько радости и улыбок принесли в этот день сотрудники государственного унитарного предприятия «UNICON.UZ» и студенты филиала Московского государственного университета им. М.В.Ломоносова. Ребятишки в зале завороженно смотрели на сцену. А на сцене развертывались интересные события в игре «Заморозка».**



Условия простые. На сцене несколько ребят в составе двух команд стоят друг против друга, заводится музыка и под ее зажигательные ритмы надо танцевать до момента, пока музыка неожиданно не остановится. И вот здесь нельзя даже пошевелиться, а то проиграешь. А в зале сидят твои друзья и ровесники, и, конечно же, соперники, которые подсказывают, кто же проявил излишнюю активность. Нужно болеть за своих, поддержать их. Когда студенты спрашивали у собравшихся ребят в зале, кто же пошевелился, вот тогда зал приходил в неистовство. В итоге победили мальчишки.

Это была лишь одна из ролевых игр, которые были проведены с ребятами Дома милосердия Юнусабадского района столицы. Уже не первый раз к ним приходят ученые-инженеры из Центра и студенты филиала МГУ. Более подробно о некоторых направлениях деятельности профсоюзного комитета ГУП «UNICON.UZ» рассказывает председатель профкома Елена Владимировна Синяшина:

**— Расскажите, пожалуйста, о последней благотворительной акции «Подари детям радость».**

— Наш Центр славится подбором молодых специалистов, — подчеркивает Елена Владимировна. — Вот так и произошло с Юлдуз Ишматовой. Она-то и предложила провести благотворительную акцию. Профком поддержал доброе начинание не только словом, но и делом. Были закуплены продукты, игры и компьютер. В этот день никто не остался равнодушным, так как дети смеялись, а воспитатели и гости радовались тому, что обездоленным детям оказывают внимание.

**— Скажите, когда начинается подготовка к летнему сезону отпусков?**

— Работа профсоюзного комитета никогда не терпит перерывов. Ежедневно на повестке дня много вопросов, которые необходимо решать. Например, готовиться к сезону отпусков, мы начинаем с зимы. Вначале мы проводим опрос сотрудников, по его результатам готовим свои предложения.

Мы предлагаем сотрудникам отдохнуть в различных домах отдыха. Например, в список, составленный нашим комитетом, входят знаменитые зоны отдыха, расположенные в живописных уголках нашей Родины, — «Замин», «Акташ», «Чинабад». Не оставляем без внимания и детей наших сотрудников. Ежегодно предоставляются путевки в детские оздоровительные лагеря «Нилуфар» и «Алокачи».

Хотелось бы отметить, что комитет предлагает двухдневные поездки не только летом, но и другие времена года. Например, обязательно зимой организуются выезд в горы для катания на санках, лыжах. Наконец, у сотрудников есть возможность просто подышать свежим воздухом, насладиться заснеженными горными пейзажами. Излюбленные места нашего коллектива — пансионат на берегу Чарвака, урочище Чимган, окрестности Акташа.

**— Какое внимание уделяется молодежи?**

— Молодежь в коллективе составляет семьдесят процентов. Она у нас на особом счету. Об этом говорит и тот факт, что в коллективный договор внесено несколько пунктов, касательно молодежи. Для них созданы условия. Наши молодые сотрудники повышают квалификацию в Санкт-Петербургском государственном университете телекоммуникаций им.М.А.Бонч-Бруевича, Корейском университете Yongnam, где они могут получить диплом магистра. Молодежь активно вовлекается в научно-исследовательские работы Центра. Поощряются знания иностранного языка.

**— Весной в Центре состоялась спартакиада. Число участников растет? Результаты Вас радуют?**

— Рассказывая о деятельности профкома нельзя не отметить регулярно проводимые отраслевые спартакиады. Они играют большую роль в жизни Центра. Во время проведения спартакиады коллектив ободряется, рождается дух соревнования, появляется азарт. Немаловажно, что с каждым годом количество заинтересованных работников в участии спартакиады растет. Это очень радует. Например, в этом году для того, чтобы разыграть первое место по шахматам среди мужчин, нам понадобился целый день.

В нашем коллективе поощряется проявление инициативы. Молодежь вышла с предложением внести в список игр внутренней спартакиады — подтягивание. Желающих было предостаточно, и ребята представили отличные результаты. Все победители были награждены ценными призами и подарками. Вручение проходило в торжественной обстановке, так как именно в этот день коллектив отмечал день весеннего равноденствия и в связи с этой датой мы варили сумаляк и традиционный плов. За праздничным столом и происходило награждение.

Тут немаловажно отметить, что спартакиадам всегда предшествуют интенсивные тренировки. В здании Центра расположены тренажерные залы, здесь можно поиграть в настольный теннис. Велотренажер, шведская стенка, набор "Здоровье", силовой тренажер — все они служат для наших сотрудников. Комитет ежегодно приобретает абонементы в плавательный бассейн, они пользуются спросом. Учитывая характер работы, это послужит хорошим фактором для сохранения здоровья. Одно из последних приобретений Центра для сотрудников это термотерапевтический массажер «Nuga Best».

Надо подчеркнуть, что профсоюзный комитет работает при огромной поддержке руководства Центра. Администрация не жалеет средств на оздоровление сотрудников, охрану труда и организацию корпоративного отдыха. Профсоюзный комитет старается откликаться на каждое событие, происходящее в нашем коллективе.

***Беседу вела Умида УМАРХОДЖАЕВА***

## РАСШИРЕНИЕ ГРАНИЦ МЕЖДУНАРОДНОГО РОУМИНГА ОТ "МТС-УЗБЕКИСТАН"

"МТС-Узбекистан" в июне 2010 года расширила список роуминг-партнеров, заключив соглашения с 10 новыми операторами сотовой связи по всему миру.

В июне 2010 года услуга международного 3G-роуминга стала доступна абонентам "МТС-Узбекистан" в сетях ещё 6 операторов: Peoples (Гонконг), Orange (Румыния), Vimpelcom (Россия), MTS (Белоруссия), Claro (Бразилия), Telstra (Австралия), с которыми компания заключила договора о предоставлении услуги международного 3G-роуминга. Следует отметить, что скорость передачи данных в сети роуминг-партнера, работающего в стандарте 3G с применением технологии HSDPA, может достигать 3,6 Мбит/сек.

В настоящее время абоненты "МТС-Узбекистан", имеющие телефоны с поддержкой стандарта UMTS (HSDPA), могут получить доступ к высокоскоростной передаче данных, используя 3G-роуминг, в сетях 76 операторов в 49 странах мира.

Кроме того, в июне 2010 года пользование услугами GPRS-роуминга стало возможным в сети компании IDEA (Индия). Таким образом, на сегодняшний день GPRS-роуминг стал доступен абонентам компании в сетях 135 операторов в 84 странах мира.

Также в июне 2010 года услуга голосового международного роуминга стала доступна в сетях компаний Latelz (Камбоджа), Essar Telecom (Кения) и Tele2 (Литва). На сегодняшний день абоненты "МТС-Узбекистан" могут воспользоваться данной услугой в сетях 332 операторов-партнеров МТС в 173 странах мира.

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

### Гражданское право на доступ в интернет

С 1 июля каждый гражданин Финляндии, в соответствии с распоряжением правительства, получил обеспеченное законом право на доступ в Сеть по мегабитному каналу, передает BBC News. Как ожидается, к 2015 году жители страны будут выходить в интернет на скорости в 100 мегабит в секунду.

В Финляндии к Сети подключено до 96 процентов граждан. К интернету не подключены всего четыре тысячи домов. Новый закон обязывает провайдеров проложить линии и к ним.

### Власти Австралии переведут страну на оптоволокно

Власти Австралии заручились поддержкой крупнейшего провайдера страны в проекте перехода на оптоволоконные каналы связи, пишет Ars Technica. Провайдер Telstra откажется от всех остальных проводных каналов связи, заменив их оптоволокном.



Договоренность с Telstra — часть правительственной инициативы по созданию национальной оптоволоконной сети. На данный проект выделено 43 миллиарда австралийских долларов (37,7 миллиарда долларов США).

**2007 йил январида Лас-Вегасдаги CES маиший электроника кўргазмасига Motorola президенти Эдуард Зандер сариқ велосипедда кириб келиб, ҳаммани лол қолдирганди. Шу куни у омма эътиборига компаниянинг янги туркумдаги телефонларини ҳавола этди. Замондошларимиз янгилик шайдоси эмасми, аввалига кўплаб харидлар амалга ошди, аммо тез орада «моторола»лар ҳамманинг кўнглига урди: бу телефонлар ҳам шунчаки олдингиларининг давоми бўлиб, на дизайни ва на техник хусусиятлари билан мақташга арзирли эди.**



# ХАЙР, МОТО!

## Ёки нотўғри стратегия қурбонига айланган компания

### Тақдир ҳазили




Зандер билан бир пайтда Лос-Анжелесда Стив Жобс iPhone телефонлари тақдимотини ўтказаётганди. Бугун, ҳаммамизга маълумки, «айфон»лар нафақат Motorolaнинг машҳур RAZRлари шуҳратини кўмиб юборди, балки замонавий маиший электроника ҳақидаги тасаввурларимизни ҳам остин-устун қилиб ташлади.

Лас-Вегасдаги ўша тақдимотдан бир йил ўтиб Эдуард Зандер истеъфога чиқарилди: қачонлардир довруғи дунёга достон компаниядан асар ҳам қолмаганди энди. Компания бошқаруви истеъдодли менежер Грег Браунга топширилди. Браун Зандер бошлаган ишни охиригача етказиб қўйди: Motorolaни капиталлаштириш 35дан 7 миллиардгача пасайтирилди ва компания икки қисмга ажратилди — мобил телефония (Motorola Mobile Devices) ва бошқалар (Motorola Broadband and Mobility Solutions).

Motorolaни иккига ажратиш ғояси аслида якка тартибдаги акциядор Карл Иканники. Эд Зандер эса мобил телефония бўлимини сотиб юбориш таклифига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Негаки, компания даромадининг катта ярмини мобил телефонлар сотишдан олаётганди: уч йилда урфдан қолган RAZR телефонлари ҳар иккинчи америкалик оила, аксарият федерал ва муниципал идоралар фойдаланаётган «моторола» кабел модемлари ва радиостанцияларига қараганда компанияга кўп пул келтираётганди.

Битта телефондан компанияга қолаётган фойда бор-йўғи беш долларни ташкил этиши бутунлай бошқа масала. Аввалига «элита» учун мўлжалланган бу телефонларнинг кейинроқ 29 долларга сотилиши (оператор билан бир йиллик шартнома эвазига) ёки «биттасини сотиб ол — иккинчиси бепул» тартибида сотилиши-чи?

**Хуллас, ҳаммаси Зандер бошчилигидаги Motorola йилни 49 миллион доллар зарар билан якунлаши асносида ниҳоясига етди (солиштирамиз, 2006 йилни компания 3,6 миллиард доллар фойда билан якунлаганди) ва у истеъфога чиқарилди.** Компютерда ишлашни билмайдиган Грег Браун тизгинни қўлга олиши учун энди кеч эди. 2008 йили Mobile Devices бўлинмасини сотиб олишдан барча асосий рақобатчилар (Samsung, LG Electronics ва SonyEricsson) воз кечишди, компаниянинг етакчи муҳандислари Appleга ўтиб кетишди, зарар миллиардларни ташкил этди, акцияларнинг бир донаси уч долларгача тушиб кетди.

### Компания инқирозининг бош айбдори Зандерми?

Кўпчиликнинг фикрича, компания инқирозининг бош айбдори Зандер. Тўғри, илмий-тадқиқот ишларига оқилона сармоя киритиш ўрнига компания акцияларини қайта сотиб олиш (buy-back), кераксиз компанияларни қўлга киритиш учун маблағни совуриш (жами 12та компания) ва аксинча, энг қиммат активларни сотиб юбориш (биринчи навбатда — автомобил электроникаси) айнан Зандернинг стратегик хатолари эди. Бироқ, шунга қарамасдан, фаолиятини 1973 йили Data General Corporationда бошлаб, кейинчалик Apollo Computers ва Sun Microsystemsдек нуфузли компанияларда вице-президент лавозимларида ишлаган ИТ-маркетинг ветеранининг бир ўзи атиги уч йил ичида (2004-2007 йиллар) Motorolaни боши берк кўчага киритиб қўйганига ишониш қийин.

**Шу ўринда Motorola Зандер келмасидан уч йил аввал (2001 йил) ҳам улкан инқирозни бошдан кечирганини эслаш кифоя (ўшанда 4 миллиард доллар зарар кўрилган). Агар солиштирилса, Зандернинг 49 миллионлик камомади бунинг олдида денгиздан бир томчи, шундай эмасми?!** Яна бир парадокс шундаки, компания 2005-2006 йилларда эришган юқори даромадда топ-менежерлар меҳнати эмас, балки Зандер Motorolaга келгунига қадар ишлаб чиқилган RAZR телефонлари савдоси бароридан келгани бўлди.

Демак, хулосалар шундай: Зандерда RAZRни техник жиҳатдан такомиллаштириш борасида кичик бир имконият бўлганда ҳам унумли фойдаланган бўларди. Обрўли менежернинг ўзига ишониб топширилган компанияни атайин жар ёқасига олиб бориб қўйганига, тўғриси, ишониш қийин. Бетиним ривожланиб бораётган бозорда RAZRнинг технологик даражасини сақлаб қолишнинг асло иложи йўқ эди. Шу боис у бор имкониятдан юз фоиз фойдаланиш, яъни бу телефонлар анъанавийлигини йўқотгунга қадар уларни сотишни энг тўғри стратегия деб билган.

**Яна бир ҳақиқатни унутмайлик — Motorola нафақат биринчи бўлиб мобил телефонлар ишлаб чиққан, шу билан бирга, соҳага ҳам асос солган.**

Ўтган асрнинг 90-йилларида Motorola CDMA мобил телефония бозорида бошқа рақобатчилар (Nokia, Siemens ва Ericsson)ни назар-писанд қилмаган ҳолда яккаҳокимлик қилди. GSM рақамли стандарти оммалашиши билан вазият тубдан ўзгарди ва байроқдорликни финларнинг Nokia компанияси қўлга киритди. Motorola аввалига бир амаллаб иккинчи ўринни банд этиб турди (23 фоиз улуш, RAZR телефонлари савдоси ҳисобига), бироқ кейинчалик бирма-бир Samsung ва LG компанияларини олдинга ўтказиб юборди-да, пастга шўнғиди. Масаланинг моҳияти ҳам шунда — GSM ҳам айнан Motorola томонидан ўйлаб топилганди! Компания истиқболли GSMни топишга топди-ю, бироқ «узоқдаги жигардан яқиндаги ўпка»ни афзал билди — операторлар билан анъанавий шартнома асосида рақобатчилар кам муҳитда ўртамиёна CDMA телефонларини сотишни қулай деб билди.

### Motorola ихтиролари. Нега улардан воз кечилди?

Motorolaнинг ўз технологик ихтироларига ғалати муносабати фақат мобил телефонлар соҳаси билан чекланмайди. XX асрнинг буюк ихтиролари: **биринчи сўзлашув қурилмаси («Walkie-talkie», 1940 йил), германий асосидаги биринчи транзистор (1955), биринчи кенг экранли (19 дюймлик) портатив транзисторли телевизор (1960), биринчи тўғри бурчакли телевизион трубка (1963), биринчи тижорий мобил телефон (1983), HDTV — юқори тиниқликдаги телевидение стандарти (1990), GSM стандарти (1991), тескари алоқали биринчи пейжер (1995) ва бошқалар.**

Бироқ келажакда катта даромадни кафолатлаши лозим бўлган ана шу соҳалардан воз кечилишини тушуниш қийин. Телевизион бизнес, ҳарбий ва давлат идоралари учун электрон қурилмалар, ярим ўтказгичлар, автомобил электроникаси ва ниҳоят, энди мобил телефония соҳаси ҳам сал бўлса қўлдан кетай деб турибди. Бу каби «саъй-ҳаракатлари» сабаб 80 йиллирки, америка технологик ижодкорлиги фахри бўлиб келган компания ўзини-ўзи жар ёқасига олиб бориб қўйди.

Қиёсан бир қарашда Motorolaнинг хатоларини такрорлаётган Apple компаниясини олиб кўрайлик. Аниқ бир йўналиши йўқ: бир маҳсулотни охирига етказмай иккинчисига киришади, аммо натижа-чи? Мўъжазгина iPod-плеерларини ўйлаб топди — компютерлар сотишдан ҳам бунча даромад олмаганди. iPhone чиқиши билан iPodлар тўхтатилди. Энди бўлса iPad планшет-компютерлари... Эътибор беряпсизми, булар турли йўналишдаги ва Apple учун бутунлай янги соҳалар, ваҳоланки, у ўзини сувдаги балиқдек ҳис этяпти — миллиардлаб фойдага кўмиляпти. Масаланинг яна бир қизиқ томони, Apple қурилмаларидаги микрочип, микросхема ва ҳоказо қисмлар асосан номи ҳеч кимга таниш бўлмаган Хитой ва Тайван фирмаларида тайёрланади. Аксинча, бизнинг қаҳрамонимиз — RAZR тўлалигича Америка маҳсулоти. Бироқ RAZR билан iPhoneни солиштириб бўладими?!

**Албатта, сифат биринчи даражали масала, бироқ молиявий муваффақият учун бунинг ўзи етарли эмас. Дейлик, ажойиб дизайнга эга RAZR телефонлари нархини, бизнес нуқтаи назаридан олиб қараганда, асло пасайтирмаслик керак эди. Ахир, асил моллар арзон бўлиши мумкин эмас.**

Бошқа бир томондан, RAZR туркумидаги янги телефонлар нархи пасайишига йўл қўймаслик учун улар функционаллик жиҳатидан камида рақобатчиларнинг энг яхши маҳсулотларидан қолишмаслиги талаб этиларди. Бироқ бундай бўлиб чиқмади, RAZR V3 янги авлод телефонларидан анча ортда қолиб кетганди.

### Нима ҳам дейиш мумкин?

Бизнингча, Motorola компаниясининг энг катта хатоси ўз кучига ҳаддан зиёд ишониб юборганлигида. У ҳамкорларсиз ишлаб ўрганган. Аммо замонавий бозор — шиддатли бозор. Ҳозир битта маҳсулот ишлаб чиқиш учун йилларни сарфлаш мавриди эмас — сизгача бошқалар бу маҳсулотни чиқариши мумкин, кейин эса кеч бўлади — Motorola мисолида бунга гувоҳ бўлдик.

*Собит АҲАДОВ тайёрлади*

OLTIN YOZ — O'TMOQDA SOZ

**Томди нафақат Навоий вилоятининг, балки республикамизнинг ёзи энг иссиқ туманларидан бири ҳисобланади. Эртакларда айтилганидек, "Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган" бу ҳудудда ҳақиқий матонатли замондошларимиз яшаб, меҳнат қилади. Томдиликлар яхши меҳнат қилиш билан бирга, фарзандлари учун яхши шароитларни яратишни ҳам билишади. Сахро қўйнидаги "Арай" болалар ёзги оромгоҳи бир неча йиллардан буён болажонларнинг севимли масканидир.**

# Қизилқумнинг бахтли болалари



Ҳатто шаҳарликлар ҳам ҳавас қиладиган бу гўшада ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Ҳовлисида райҳонлар бўй таратиб турган, зангори рангда тайёрланган чўмилиш ҳавзасига чўл шароитида қанчалик қийин бўлмасин, ҳомий ташкилотлар томонидан узлуксиз ташиб келтирилаётган зилол сувлар инсон қўли гуллигини, фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямайдиган миллат эканлигимизни исботлаб турибди.

Навоийлик алоқачилар ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиш учун имкон топаётганлар жумласидандир. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали, "Ўзбектелеком"АК "Навоий Телеком" филиали ишчи-хизматчиларининг фарзандлари бу йилнинг қайноқ ёз мавсумини "Арай" болалар оромгоҳида, Чотқол тоғларининг сўлим ва бетакрор ён бағрида жойлашган "Конструктор" соғломлаштириш оромгоҳида, шунингдек, Қизилтепанинг "Нимкон" ва "Дўстлик", Бухородаги "Ёш алоқачи" оромгоҳларида дам олиш билан ўтказмоқдалар.

— Ўғлим Абулфайз ҳар йили Тошкентдаги "Конструктор" оромгоҳига боради, — дейди Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи умумий бўлим оператори Зулфия Зиеева. — Ҳавоси, суви танга роҳат бу жаннатмонанд жойда дам олиб, тетик ва бақувват бўлиб ўсаётган фарзандимни кўриб ҳавасим келади.

— Менинг ўғлим Абдужалил ҳам "Конструктор"да дам олиб, жуда кўп дўстлар орттирганлардан бири, — дейди Кармана почта алоқаси тармоғи хат ташувчиси Зулайҳо Муҳаммадиева.

Карманалик обуна йўриқчиси Дилфуза Зоҳидова ҳам фарзандининг кўнгилдагидек дам олишини таъминлаган филиал маъмуриятидан беҳад миннатдор.

— Жорий йилнинг ёзги мавсумида биргина Навоий почтаси томонидан саккиз миллиондан ортиқ маблағ сарфлаш режалаштирилган эди, — дейди филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Маҳбуба Ҳасанова. — Ҳозирги кунга қадар салкам саккиз миллион сўмга йўлланмалар сотиб олинди. Ишчи-ходимларимизнинг болаларини ижтимоий ҳимоя қилаётганимиздан ўзимиз ҳам хурсандмиз. Чунки оиласи тинч, фарзандлари соғлом ва баркамол кишининг ишида унум ва барака, сифат бўлади.

*Маруса ҲОСИЛОВА*

# Опа-сингил мисоли...

**Меҳринсо билан Зуҳра ишхонага одатдагидек изма-из кириб келишди. Улар ҳали ҳол-аҳвол сўрашишга улгуришмаган эди ҳамки, остонада бўлим бошлиғи кўринди. Наргизахон саломга алик олиб, ичкари томон юраркан, беихтиёр девор соатига боқди. Унинг миллари иш вақти бошланишига ўн дақиқа қолганлигини кўрсатиб турарди.**

Кўп ўтмай амалиёт залига хушрўйгина аёл ташриф буюрди. Қизлар баб-баравар ўрнидан туриб самимий ҳолда "Келинг, Дилфуза опа!" дейишди. У меҳр тўла мулозаматдан суюнаркан, яна талаба қизи Ҳулкарга пул жўнатиш лозимлигини билдирди.

— Ҳозир, опажон хизматингизни бир зумда бажо келтирамиз! — Меҳринсо шундай дея бурчини бажаришга киришди. Унинг чаққон ҳаракатлари, замонавий техникада маҳорат билан ишлаши Дилфуза Сариевани беҳад мамнун этди. Тез орада Самарқанд шаҳрида таҳсил олаётган талаба қизга аталган пул жўнатилди. Куннинг иккинчи ярмида Ҳулкар онасига қўнғироқ қилиб, "юборган пулингизни олдим, раҳмат, сизга!" деб қўйди. Ўз навбатида, Дилфуза опа кўрсатилган тезкор почта хизмати учун мамнунлик туйди.

Дарҳақиқат, Сариосиё почта алоқаси тармоғининг Наргизахон Облоқулова бошлиқ амалиёт зали ходимлари элга манзур хизмат кўрсатмоқда. Энг муҳими, улар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлашни мукаммал ўзлаштириб олишган. Шунинг учун ҳам компютер ишланмалари пишиқ-пухта бажарилмоқда. Электрон ёки оддий пул жўнатмалари келгани ҳақидаги хабарнома ўз вақтида эгаларига етказиб берилялти. Асосан ёшлардан таркиб топган жамоа меҳнатининг сермаҳсуллигида туман почта алоқаси тармоғи ҳайдовчиси Суяркул Мирзақуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У кузатувчи Ҳикматилла Ражабов билан турли хат-хабарлар ва почта жўнатмаларини туман маҳаллаларига тарқатмоқда.

— Фаолиятимизни бу ҳамкорларсиз тасаввур этолмаймиз, — дейди Наргиза Облоқулова. — Айниқса, узоқ юртлардан келган электрон пул жўнатмалари ҳақида ёзган хабарномаларимиз айнан шу амалий кўмак туфайли эгаларига тез етиб бормоқда.

... Почта алоқаси тармоғининг амалиёт залига кирган ҳар бир киши бу ерда маданиятли ва ишига пухта хотин-қизлар хизмат қилаётганлигини дарҳол сезади. Истиқлол туфайли замонавийлаштирилган иш жойига қўйилган анвойи гуллар ўз ўрнини топган ҳолда ёқимли муаттарлик таратиб турибди. Ёш ҳамкасблар Меҳринсо Шукурова билан Зуҳра Қосимоваларнинг мижозларга ширинсуханлиги худди шу гуллардан андоза олганга ўхшайди. Муомалани кузатганинг сари яйраб-яшнаб кетасан!. Зотан, Наргизахон Облоқулова раҳбарлик қилаётган амалиёт бўлими ходимлари худди бир-бирига меҳрли опа-сингиллар мисоли эл назарига тушмоқда.

*Нортожи ЗИЁЕВ,*
*"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири*

# БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

**Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказининг барча бўлимларида 3та доимий ва 7та мавзули Баркамол авлод йилига бағишланган китоб кўргазмалари ташкил этилди ва янги маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда.**

Масалан, "Баркамол авлод — ватан таянчи", "Баркамол авлод — келажак пойдевори", "2010 йил — Баркамол авлод йили", "Баркамол авлод — юртимиз келажаги" номли китоб кўргазмалари, "Баркамол авлод" рукни остида матбуот нашрлари орқали давлатимиз қонун, фармон, қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ёшларининг турли жабҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Кўргазмаларда ёшларни илм-маърифатга, соғлом турмуш тарзи, маънавий меросимизнинг муносиб ворислари бўлишга чорловчи маълумотлар тақдим этилган. Марказда ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ҳукуматимизнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини ёшларга етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилялти. Шу мақсадда ташкил этилган "Баркамол авлод орзуси" номли тўлиқ матнли маълумотлар базасида катта ҳажмли маълумотлар йиғилган. Шунингдек, "2010 йил — Баркамол авлод йили" мавзуида лотин алифбоси ва рус тилида китоблар кўргазмаси ташкил этилган. Кўргазмани тўлдириб бориш мақсадида "Баркамол авлод — юрт келажаги" файллар папкаси ташкил этилиб, 68 саҳифадан иборат 52та ҳужжат йиғилди.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маданият ва саводхонликни юксалтириш, йигит ва қизлар ўртасида китобга, мусиқа ва санъат соҳаларига меҳр ва қизиқиш уйғотиш масалаларига бағишлаб адабий кечалар ҳамда суҳбатлар ўтказилди. Булар жумласига буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллигига бағишлаб "Бобур маданият ва давлат арбоби", "Молодёжь и музыка" мавзуларидаги адабий кечалар, "Баркамол авлод келажагимиз пойдевори", "Нет наркотикам!", "Спид — болезнь века", "Тамаки саломатлик душмани", "Тилга эътибор — элга эътибор" каби мавзулардаги суҳбатларни киритиш мумкин.

Ташриф буюрувчилар кўргазмаларнинг ранг-баранг мавзулардаги библиографик маълумотларидан баҳраманд бўлишмоқда.

*Муҳаммаджон МАҲМУДОВ*

QADRIYATLARIMIZ

# Донишмандлик фасли

**Ишга байрамларга боргандек борадиган фаол инсонга пенсионерлик сўзи анчайин ёкимсиз эшитилади. Бу табиий. Навкиронлик, ёшлик дамлари канчалар оний бўлса, етуклик даври ҳам хаш-паш дегунча ўтади-кетади. Қарабсизки, "фахрийлик" аталмиш янги давр бошланиб турибди-ку! Лекин, начора, бу — ҳаёт. Унинг темир конуниятлари олдида ҳамма баравар.**

— Етказганига шукур, — дейди Фаёзали ака. — Ишимни ортиқ даражада яхши кўрганимдан пенсияга чиқиб ҳам тўрт йил мазза қилиб ишладим. Энди ёшлар ишласин. Болаларни ҳалол ризқ-рўз билан ўстириб, элга қўшдик. Энг муҳими, ҳаммаси ўзимизга тортишди. Бир касбни қўлидан тутган, пешона тери билан рўзғор тебратишяпти. Набиралар ҳам униб-ўсиб, кўзга кўриниб қолишган. Барака топишсин. Орқамизда қолишсин. Бир кишининг бахти-иқболи бўлса, шунча бўлар-да...

Фаёзали Асқаров 1968 йилдан бошлаб Олтиариқ, Қува, Қувасой АТСлари кабелларини ётқизишга бригадирлик қилди, 1970 йилдан Марғилон алоқа корхонасида пайвандловчи, линия муҳандиси вазифаларида ишлади. Бу орада сиртдан қурилиш техникумида ўқиди. Шаҳар телефон станциясида, Марғилон алоқа тармоғи раҳбари сифатида ғайрат-шижоат кўрсатди. 1998 йили Фарғона алоқа механизациялашган жамланмасида ишлади. Тошлоқ, Қува, Қувасой, Водил, Фарғона, Марғилон йўналишида оптик толали алоқа линиясини ётқизишга фидокорона хизматлари билан муносиб улуш қўшди. "Алоқа техник хизмат" бўлинмасини маҳорат билан бошқариб, вилоят ҳокими ҳамда филиалнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

2006-2010 йилларда эса 33 ва 37-АТСларга раҳбарлик қилди. Фаёз ака ёшлик куч-қудратини, ақл-идрокини алоқа соҳаси ривожига бахшида этган заҳматкаш сифатида Яратганга минг қатла шукроналар айтади.

Устоз Асқаровнинг чиройли, тез-тез такрорлайдиган ўгитлари борки, улар шогирдлар қулоғига қуйилиб қолган. "Ватанпарвар бўлинглар, йигитлар!" — шулардан бири.

— Бу билан фақат оилам, болам-чақам деб яшасанг қаттиқ адашасан. Таъмасиз тер тўксанг, ғайрат-шижоатни пойдор этсанг, эл-юрт ҳам сендан рози бўлиб, омадинг чопгандан чопаверади, демоқчи бўлади, — ҳикоя қилади завқ-шавқ билан ҳайдовчи Ғайратжон Турғунов. — Жон-дили билан ишлаганга ғайб ризқ, ғайб шодликлар насиб этаверади...

Ҳикоямиз қаҳрамони билан телефонда сўзлашдик. "Иш деса жонини бериб юборадиган" Фаёзали аканинг руҳи-кайфияти қандай экан?

— Ҳовли тўла иш. Бир дақиқа бўлсин бўш вақт йўқ, — кулади у. Овозида хушнудлик аён сезилади. — Иш бизга сув ва ҳаводек гап. Акс ҳолда ҳаёт тўхтайди-қолади.

Ҳа, донишмандлик фаслини ёруғ юз билан кутиб олган Фаёзали акага ҳавас қилсак арзийди. Айниқса, улар Зайнабхон ая билан барча яхши фазилатлар асоси — ота-оналарига чексиз меҳру муҳаббатли фарзандларининг камолини кўраётганликларидан шод-бахтиёр.

Гулчеҳрахон, Шерали, Хайруллохон, Ҳусанбойлар жамиятда ўз ўрни, нуфузига эга ажойиб инсонлар бўлиб танилишган. 19 невара — умрларини безаб турган гулчечакларига кўз тегмасин.

Яқинда Фаёзали ака Асқаров ҳурмат-эҳтиром билан фахрийликка кузатилди. Тантанада меҳнат жамоаси, шогирдлари, "Фарғона Телеком" филиали раҳбарлари, филиал касаба уюшма қўмитаси фаоллари иштирок этдилар. Умрини алоқа соҳаси ривожига бахшида этган меҳнатсевар бу инсонга зўр иззат-икромнинг гўзал намойиши бўлди.

*Ҳафиза САЛЯҲОВА,*
*"Xabar"нинг*
*Фарғона вилоятидаги мухбири*

HAMKASBLARIMIZ

# Заҳматлардан чўчимай

Бойсун тумани Сурхондарё вилоятининг энг чекка гўшаларидан бири. Ҳудудини асосан мафтункор тоғлар, қир-адирлар ташкил этади. Бир-биридан анча тарқоқ жойлашган тоғ қишлоқлари аҳолисига почта хизмати кўрсатиш, уларнинг узоғини яқин қилиш почта ходимларининг асосий вазифаси саналади. Мачай табиатнинг сўлим жойларидан ҳисобланади. Атроф ўрмонзор. Этакда дарё пишқириб оқади. Одамзоднинг илк бешикларидан бири — "Тешик тош" ғори ҳам шу гўшада жойлашган. Панжи ака ана шу қишлоқда туғилиб ўсган. Булоқ сувини ичган. Бу ерларга келиб-кетишнинг ўзи бўлмайди — туман марказидан 50 км. узоқ. Буёғи тоғ йўллари кишини эзиб ташлайди. Панжи Болтаев бу заҳматларга ўрганиб қолган, қолаверса, касби ҳам шуни тақозо этади.

Панжи ака почта соҳасида узоқ ишлаган ходимлардан бири. У 1978 йили фаолиятини оддий хабарчиликдан бошлаган. 1983 йили Мачай алоқа бўлими ташкил этилди ва шу йилдан у алоқа бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаб келмоқда. Халқ орасида катта обрўга эга. Алоқа бўлими асосан юқори, ўрта, пастки Мачай, Газа, Хўжадияк, Қизилнавр, Кентала тоғ қишлоқлари аҳолисига хизмат қилади. Бешта мактаб, қишлоқ врачлик маскани, еттита тиббиёт маскани, 12та фермер хўжалиги, битта қишлоқ фуқаролар йиғини, учта маҳалла фуқаролар йиғинига газета-журналларни етказиб бериш ҳам уларнинг зиммасида. Бу қишлоқларда истиқомат қилувчи 590 нафар пенсионер нафақа пулларини ўз вақтида олмоқда. Албатта, қишлоқларни кезишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Узоқ йўл босишга, биронта хат-хабарни етказиш учун баъзан яйловга — чўпон овулларига боришга тўғри келади.

Ана шундай машаққатли ишни алоқа бўлими хабарчилари Турдиқул Норпўлатов, Жўрақул Эшқобиловлар бажариб келишмоқда. Хабарчилар доимо эл орасида. Мачайликлар эса матбуот нашрларини энг кўп ўқийдиган, севиб мутолаа қиладиган одамлар. Шу боис почтачилар газета-журналларни муштарийларга зудлик билан етказиб беришга ҳаракат қиладилар. Бу ишни ўз вақтида уддалайдилар ҳам. Алоқа бўлимида белгиланган режалар ортиғи билан бажарилмоқдаки, бу Панжи Болтаевнинг ишчанлиги, касбини севганлигидан далолат. Коммунал тўлови, пул жўнатмаси, почта марка ва матбуот нашрлари сотуви каби хизматлар яхши йўлга қўйилган. Пенсионерлар эса бу ишчан ходимларни доимо дуо қилишади.

*Саттор ҚИЛИЧОВ*

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

# ... Фақат эртаклардан эшитсин

Яқинда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Насиба Гаированинг шошиб кетаётганлигига гувоҳ бўлдим. Сабабини сўрасам:

— Зоя (Зубаржад) опа бор-ку, уруш қатнашчиси, ўшаникига кетяпман, бугун борадиган куним. Агар бормасам, эшикка чиқиб кутиб ўтиради-я, — деди.

Шу баҳона, у киши билан яқиндан танишиш ва ҳамсуҳбат бўлиш мақсадида онахонникига бирга бордик.

Шундоққина Сангзор дарёси ёқасида жойлашган баҳаво ҳовлида айланиб юрган онахон бизни кўриб қувониб кетди. Ҳовли ўртасидаги сўрида ўтириб, 88 ёшли онахоннинг хотирасида қолган ёшликнинг, урушнинг, ишдаги гоҳ мунгли, гоҳида қувончли воқеаларини тингладик.

...1922 йилнинг 21 июлида Самарқанд шаҳрида туғилган Зубаржад Биктагированинг отаси 1924 йилда Жиззахда янги ташкил этилган болалар уйига ўқитувчи этиб тайинланади. Шу тариқа Жиззахда улғайган Зубаржад 1941 йили ўрта мактабнинг ўнинчи синфини тугатади.

— Битирув имтиҳонларини топширгач, синфдошлар билан мактабда битирув кечаси уюштирдик, — дейди онахон. — Ўйин ўйнадик, рақс тушдик. Болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам хурсанд. Ҳамма билан кеч тўққизларда хайрлашиб, уйуйимизга тарқалишдик. Эрталаб радиоузелдан уруш бошланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, оила аъзоларимиз билан мактабга югурибмиз. Келсак, мактаб ҳовлиси ва олди одамларга лиқ тўла. Шу куниёқ кетадиганлар рўйхати тузилиб, эртасига бир эшелон одамни урушга кузатиб қолдик.

Шундан кейин бизни икки ой Тошкентда биринчи ёрдам ҳамширалигига тайёрлашди. Жиззахга қайтгач, шаҳарга яқин жойдаги мактабларда дарс бера бошладик. Чунки мактаблардаги барча эркак ўқитувчиларни бирма-бир жангга олиб кетишаётган эди. Рус мактабини битирганим учун ўзбек болаларига дарс ўтишда анча қийналдим. Мен ўзбекчани ўрганганимча улар мендан рус тилини тезроқ ўрганишарди.

1942 йилнинг май ойида Россияга олиб кетишди. У ерда Тамбов авиация мактабига бориб тушдим. Бўш вақтда соҳа бўйича ўқийман, қолган вақтда учган, қўнган самолётларга ҳужжатлар расмийлаштирамиз. Яна таксимот келди. Қирғизистонга жўнатишди. Бу ерда танлов асосида алоқачи курсига қабул қилишди. Ўқишни тугатгач 42-бўлинманинг алоқачи-радисти этиб тайинлашди



ва 1943 йили Калинин фронтига келиб тушдик. Биз фақат авиа бўлинмаларга хизмат қилардик. Армиямиз тозалаб ўтган жойларда зудлик билан аэродром қурилар, биз эса уларнинг учиш ва қўнишидаги хавфсизлигини таъминлашимиз, фашист сигналларининг самолётларимизга халақит бермаслиги билан шуғулланишимиз зарур эди.

— 1944 йилнинг ёзида иккинчи Украина фронтига келиб тушдик, — дея суҳбатни давом эттирди онахон жангоҳда ўтган ёшлигини эслаб. — Аста-секин немислар орқага чекина бошлаган пайтлар. Шу кетишда Австриянинг Вена шаҳри яқинигача бордик ва шу ерда Ғалаба наволари янгради. Ғалабадан бир ойча олдин фронтда бирга жанг қилаётган Дмитрий Свечконенко билан турмуш қурган эдик. Мен ғалабадан уч ой ўтиб, Ўзбекистонга қайтдим. Турмуш ўртоғим яна бир йил армияда хизмат қилди.

Юртга қайтгач, Фориш туманининг Киров хўжалигидаги "Ўзбекқоракўл" трестида алоқачи-радист бўлиб ишладим.

— Мен ҳаётимдан жуда ҳам миннатдорман, — дейди Зубаржад Биктагирова. — Турмуш ўртоғим билан 54 йил бирга яшаб, то нафақага чиққунга қадар бирга ишладик. У киши кўп йиллар Жиззах шаҳридаги радиоузел бошлиғи бўлиб ишладилар. Икки ўғил, бир қизли бўлдик. Катта ўғлим Тошкент авиация заводида меҳнат қилади. Кейинги ўғлим Жиззах политехника институтини тамомлади, қизим эса муҳандис бўлиб ишлайди.

Шу юртда туғилиб ўсганим, меҳнат қилганим, алоқачи бўлганим учун фахрланаман. Ҳар кимга ҳам мендек эъзоз, ҳурмат насиб этсин, ёшларимиз уруш нима эканлигини билмай, фақат эртаклардагини эшитиб юрсин.

*Толибжон ЭРГАШЕВ,*
*"Xabar"нинг*
*Жиззах вилоятидаги мухбири*

**Анимация – ёш авлоднинг бадиий ва эстетик тарбиясида, улар дунёқарашининг шаклланишида, миллий истиклол ғояларини тараннум этишда бекиёс имкониятларга эга. Бола хали саводи чикмасданок телевизор оркали мултфилм кўради. Унда акс этган мўъжаз вокеалар, рангли персонажлар боланинг мурғак қалбида яхшилик ва ёмонлик, халоллик ва муғомбирлик ҳақидаги илк тасаввурларни уйғотади, колаверса, муносабатга чорлайди.**



# Миллий ифтихоримиз

Ота-боболардан мерос анъаналарнинг мазмун-моҳиятини фарзандларимиз онгу шуурига янада чуқурроқ сингдиришимизда миллий мултфилмлар, халқ эртаклари қаҳрамонлари персонажлари таъсирчан воситалардан ҳисобланади. Шу боис истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий мултфилмлар яратиш масаласи ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Баркамол авлод йили Давлат дастурида ҳам ижодкорликнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқ эртаклари, достонлари, сюжетлари асосида болажонларимиз учун 10та мултипликацион филмлар яратиш кўзда тутилгани бежиз эмас. Дастур доирасидаги амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида мазкур вазифалар юклатилган муассасалардан бири — «Ўзбекфилм» ОАЖнинг мултипликация студиясида бўлдик.

Мақсадга ўтишдан олдин, ўқувчиларимиз учун ҳам қизиқарли эканлигини инобатга олган ҳолда, ўзбек мултипликация саноати босиб ўтган йилларни яна бир бор эслашни лозим топдик.

XX асрнинг 60-йиллари республикамиз турмушида, фан-техника тараққиётида қўлга киритилган муваффақиятлар ўзбек киноматографиясининг юқори поғонага кўтарилишига, кино санъатининг барча турлари барқ уриб ривожланишига замин яратди. Жумладан, «Ўзбекфилм» киностудиясида ташкил этилган мултипликация устахонаси ўзининг дастлабки қўғирчоқ филмларини болаларга тақдим этди.

Ўзбек мултипликациясининг узоқ изланишлар, қўғирчоқ имкониятларини ўрганиш натижасида ўзига хос йўл танланганлиги «6Х6» квадратида» деб номланган биринчи филмидаёқ сезилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ушбу қўғирчоқ филмининг муваффақияти кўп жиҳатдан рассом, ташаббускор ижод соҳиби Ю.Петров номи билан боғлангандир. Петров истеъдодининг кўпқирралигини тайёр кадрлар йўқ бир пайтда «6Х6» квадратида» филмида ҳам сценарий муаллифи, ҳам рассом, ҳам қўғирчоқ бошқарувчиси сифатида иштирок этиб, режиссёр Д.Салимов билан ҳамкорликда етук асар ярата олганлигида кўриш мумкин.

Болалар тезда ҳазм қила оладиган эртаклар ўзбек мултипликацияси илк қалдирғочларидан режиссёр Д.Салимов ва рассом Ю.Петров, сўнгра Қ.Камоловаларнинг қўғирчоқ филмларига асос бўлиб хизмат қилди. Булар ўзбек халқ эртаклари асосидаги «Сеҳрли сандиқ», «Олтиндан қиммат», «Қайт бахтим», «Содиқ дўстлар» ҳамда туркман эртаги асосидаги «Кичкина деманг бизни...» каби мултфилмлардир.

1970-йилларда бу санъат даргоҳига порлоқ истеъдод эгалари – Манзур Маҳмудов ва Нозим Тўлахўжаевларнинг кириб келиши ўзбек анимацияси мавзу ва тасвирий ифода услубида кескин бурилиш ясади. Ўша йиллари яратилган «Олим ва унинг хўтиги», «Шаҳарлик қурбақалар», «Қизил қумлар», «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада», «Тошбақа», «Саҳродаги кўл» ва «Олма ҳақида эртак» филмлари мавзуси, бадиий ечими жиҳатидан ҳар хил бўлиб, изчил ижодий изланишлар самараси эди. Ўзбек чизма мултипликациясида эҳтиёткорлик ва дид билан фойдаланилган ранглар шарқнинг мумтоз миниатюралари анъаналарини ижодий ривожлантириб борган.



Кўп ўтмай Н.Тўлахўжаевнинг умумбашарий мавзудаги «Ёқимли ёмғир ёғади» (америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг шу номли новелласи асосида, рассом С.Алибеков, 1984 йил) мултфилми Лейпциг халқаро кинофестивалининг бош соврини — «Олтин кабутар»га сазовор бўлиб, ўзбек анимация санъатини жаҳонга танитди.

Бугунги кунда «Ўзбекфилм» ОАЖнинг мултфилмлар студиясида тажрибали мултипликаторлар билан бир қаторда, Беҳзод номидаги мусаввирлик санъати институти битирувчилари бўлган Азиз Муҳамедов, Гаянэ Матевосян, Сергей Чуфарнов сингари ёш режиссёр-рассомлар ҳам самарали ижод қилишмоқда. Улар томонидан яратилган мултфилмлар мамлакатимиз ва кўплаб хорижий кинофестивалларда юқори баҳоланиб, қатор диплом ва совринларга муносиб топилган.

— Ўтган йил биз учун жуда баракали бўлди, — дейди мултипликация студияси муҳаррири, ўзбек кино санъатининг кўзга кўринган дубляж усталаридан бири Шаҳноза Ҳакимова. — Чизма-компютер асосида халқимизнинг азалий удумларидан Сумалак сайли ҳақидаги «Сумалак ва минг тилак», шунингдек, «Зўраки фолбин», «Лочин ови», «Моҳир қўллар», «Оқ товуқ» ва «Олтин танга» номли мултфилмлар тайёрланди. Айни кунларда Давлат дастурида белгиланган вазифалар устидаги ишларимиз қизғин кетмоқда. Танлаб олган мавзуларимиз ранг-баранглиги билан болажонларимизга маъқул бўлади деган умиддамиз».

Дарҳақиқат, мултипликаторларимиз жорий йилда тарихий асарларга қўл уришган. Сўғд элининг паҳлавон ўғли, босқинчи Александр Македонский қўшинига қарши мардонавор кураш олиб борган халқимиз қаҳрамони ҳақида ҳикоя қилувчи «Спитамен», буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий қаламига мансуб «Шер ила Дуррож», «Фарҳод ва Ширин» номли, ака-ука кучукчалар бошидан кечирган саргузаштлар ифодаланган «Дўстлар» номли, шунингдек, «Мултқарусел» талқинида яратилаётган «Чархпалак» микросюжетлар йиғиндисига кирувчи «Тиши тушган қуёнча», «Меҳмон» ва «Мен кимман?» номли мултфилмлар шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, ушбу филмлар ҳам жажжи томошабинларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга, она заминимизни ардоқлашга, бир сўз билан айтганда, улар онгида миллий истиқлол ғоясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,*
*«Xabar» мухбири*

## Тариф шартлари янгиланди

"Beeline Business" ("Unitel" МЧЖ ва "Бузтон" МЧЖ ҚК) бир қанча тариф режаларининг шартларини янгилади.

Эндиликда, "Бизнес формула 1", "Бизнес формула 2", "Бизнес Формула 3", "Ишбилармон 1" ва "Ишбилармон 2" тариф режаларида тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлар бепул. Бундан ташқари, абонент ойига тармоқ ичида бепул чиқувчи 4000 дақиқага эга бўлади. Тарифларнинг қолган шартлари ўзгаришсиз қолади.

"Тарифларнинг мазкур янгиланиши – мижозларимизни ўйлаб қилинган навбатдаги қадамимиздир, – деди воқеани изоҳлар экан "Билайн Бизнесс" йўналиши раҳбари Иван Смоленцев. – Биз таклифларимиз нафақат ранг-баранг, балки бизнесимизнинг жозибадор бўлиши учун ҳам барча ишларни амалга оширмоқдамиз".

Эслатиб ўтамиз, 2010 йилнинг 12 июлидан "Ишбилармон 1" тарифининг абонент тўлови ойига $29 гача пасайтирилди. Аввал бўлганидек, абонентга ойига барча тармоқлар учун 3000 дақиқа, 300та локал SMS ва мобил интернет-трафикдан 100 мегабайт тақдим этилади.

## Ucellда янги хизмат

UCell уяли алоқа оператори янги «Чексиз синфдошлар» хизматини жорий қилди. Мазкур янги хизмат wap.odnoklassniki.ru ва m.odnoklassniki.ru сайтларидан чекланмаган ҳолда фойдаланишни истаганлар учун яратилган. Абонентлар ушбу сайтларда трафик ҳақида қайғурмасдан мулоқотда бўлиш ва янги дўстлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Абонент тўлови – кунига атиги $0,10 .

Хизматни фаоллаштириш учун *757# териш керак. Фаоллаштириш қиймати – $0,15.

Мазкур хизмат Prepaid тизими абонентлари учун мавжуд ва 2010 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

OBUNA–2010

Обуна давом этмокда

Қадрли муштарийлар!

"Xabar" газетасига иккинчи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.

Xabar – Сизнинг газетангиз! Нашр кўрсаткичи – 228.

## Табриклаймиз!

*"Фарғона Телеком" филиали жамоаси Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимлари Абдумалик ИКРОМОВ, Муҳаррамой ЗЕИТОВА, Муҳиддин НУРМАТОВ ҳамда Қува телекоммуникациялар боғламаси ходими Ражабали МИРЗАРАИМОВларни 55 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан муборакбод этиб, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ ва бахтли умр тилайди.*

* * *

*"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Водил почта алоқаси тармоғи ходими Мўминбой ОБИДОВни 60 ёши, Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими Турсунжон ХЎЖАЕВни 55 ёши билан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўриб яшашликни тилайди.*

**Бир ой давомида футбол мухлисларига чексиз хаяжон улашган ЖЧ-2010 ўз якунига етди. Бу мундиал футбол тарихидан алохида жой олиши, шубхасиздир. Чунки биз янги чемпионни – ўз тарихида илк бор жахон чемпиони номига сазовор бўлган жамоани карши олдик. Бу чемпионатнинг ўзбекистонлик мухлислар учун яна бир ахамиятли жихати – унда хамюртимиз Равшан Эрматов иштирок этди. Иштирок этганда хам энг яхши хакамлардан бири бўлиб кайтди.**



# ИСПАНИЯ – ЯНГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Финал ўйини: Голландия – Испания. Биринчи бўлимда майдонда асабий кураш авж олди. Иккала рақиб ҳам бирбирига қўпол футбол намойиш этди. Англиялик ҳакам — Ховард Уэбб эса тинмасдан сариқ карточкага мурожаат қилаверди.

Иккинчи бўлимни Испания терма жамоаси ҳужумкор руҳда бошлади. Уларнинг бир неча ҳужумлари самарасиз якунланди. Бу орада голландларда ҳам гол уриш учун имкониятлар бўлиб турди. Умуман, иккинчи таймда бир неча гол гувоҳи бўлишимиз мумкин эди, аммо жамоаларнинг ҳужумчиларида аниқлик етишмади. Ёки аксинча, иккала жамоа дарвозабонлари ҳам ажойиб тарзда ҳаракат қилишди.

Асосий вақтда ҳисоб ўзгармагач, қўшимча таймлар белгиланди. Учрашувнинг 110-дақиқасига келиб эътиборга молик ҳолат рўй берди. Ажойиб ўйин кўрсатаётган Инестага нисбатан Хейтинга қўполлик ишлатди ва иккинчи сариқ карточкани олиб майдонни тарк этди. Натижада ҳимояда бўшлиқ юзага келди. Айнан ўша бўшлиқ ўйинда ҳал қилувчи ролни ўйнади. Иниеста жарима майдонига ёриб кириб голландлар дарвозабонини доғда қолдирди.

**Голландия – Испания – 0:1**

**Гол:** Инеста (115)

Жаҳон чемпионатида турли номинациялар бўйича ҳам "энг яхши"лар аниқланди.

Уругвай терма жамоаси ва Мадриднинг «Атлетико» клуби ҳужумчиси Диего Форлан 2010 йилги жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинчиси дея топилди. Форлан Уругвай терма жамоаси учрашувларида жами бешта, хусусан, Германия терма жамоасига қарши учинчи ўрин учун кечган учрашувда ҳам гол урди (ушбу баҳсда Уругвай терма жамоаси 2:3 ҳисобида имкониятни бой берди).

Форлан, бундан ташқари, голландиялик Уэсли Снейдер, испаниялик Давид Виля ва германиялик Томас Мюллер билан биргаликда мусобақанинг энг яхши тўпурарига аталган «Олтин бутса»га ҳам даъвогарлик қилганди, аммо ушбу соврин гол+пас кўрсаткичига кўра, германиялик ёш футболчига насиб қилди.

Мюллер, бундан ташқари, чемпионатнинг энг яхши ёш футболчиси дея топилди.

Мусобақанинг энг яхши дарвозабони учун аталган «Олтин қўлқоп» соврини Испания терма жамоаси сардори Икер Касилясга насиб қилди – у мусобақа плей-офф босқичида биронта ҳам гол ўтказиб юбормади.

Кўпчиликни ЖЧнинг энг яхши ҳаками ким бўлди, деган савол қизиқтирган бўлиши ҳам мумкин. Афсуски, ФИФА бу номинацияни жорий қилмаган. Аммо аксарият халқаро нашрларда Равшан Эрматов бригадаси мундиалнинг энг яхши ҳакамлари сифатида баҳоланди.

Айтганча, 14 июл куни Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Рафаэл Илёсовлар Йоханнесбург-Мюнхен-Тошкент авиайўналиши бўйича пойтахтимизга етиб келишди. Қаҳрамонларимиз ўтирган самолёт Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнганида тонг саҳар 5.00 бўлишига қарамай, уларни кутиб олиш учун жуда кўплаб ҳамюртларимиз ҳозир бўлишди. Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов, ЎФФ масъул котиби Сардор Раҳматуллаев, ЎФФ ҳакамлар ва назоратчилар бўлими мутахассислари ва масъул ходимлари, ОАВ вакиллари, ҳакамларимизнинг оила аъзолари, яқин қариндошлари ва ёру-дўстлари, мухлислар йиғилишди.

Жанубий Африка Республикаси майдонлари ҳамюртларимизни вувузелалар билан кузатиб қўйган бўлса, Тошкент аэропорти уларни карнай-сурнай садолари билан қарши олди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА:

**Австрияда ўқув-машғулот йиғинларини олиб бораётган футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 12 июл куни дастлабки ўртоқлиқ учрашувини ўтказди. Марат Кабаев шогирдлари маҳаллий "Улирих" клубига қарши майдонга тушиб, 10:1 ҳисобида ишончли ғалабага эришишди.**

Украинанинг Мариупол шаҳрида ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда Алишер Маҳмудов, Жасурбек Латипов, Орзубек Шоимов, Санжар Раҳмонов, Аббос Атоев, Элшод Расулов ва Мирзоҳид Абдуллаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Ёш боксчиларимиздан Хуршид Тожибоев ва Сардор Абдуллаев кумуш медал билан тақдирланди.

**Халқаро гимнастика федерацияси батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи якунларига кўра, энг кучли спортчилар рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Полшадаги мусобақада ғолиб чиққан ҳамюртимиз Анна Савкина 85 очко билан жаҳон рейтингида биринчи ўринга кўтарилиб олди. Пекин Олимпиадаси совриндори Екатерина Хилко эса 77 очко билан иккинчи ўринда қайд этилган.**

SOHA FUTZALI

## ШМАТБ-4 ва "ЎзИ-Жиззах"

### *жамоалари финал босқичига йўлланма олишди*

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг кўчма соврини учун мини футбол бўйича 2010 йилги Ғарбий ҳудудий-минтақавий саралаш мусобақалари 6-8 июл кунлари Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақаларда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари вакиллари иштирок этдилар.

Баҳслар натижасига кўра, Самарқанд вилоятининг ШМАТБ-4 ва "ЎзИ-Жиззах" филиали жамоалари Тошкентда бўлиб ўтадиган финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Иккинчи Ғарбий ҳудудий-минтақавий саралаш гуруҳ мусобақалари июл ойининг иккинчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## Пойтахтда саралаш ва ўтиш турнирига старт берилди

**Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий саралаш мусобақалари 13 июлдан бошлаб 7 августга қадар Ўзбекистон миллий университети спорт залида сешанба ва шанба кунлари ўтказилади.**

Унда қуйидаги жамоалар давра тизимида ўзаро баҳс юритадилар: ТШТТ, Билайн, ШАК, ТАТУ, Алоқабанк, ТШТТ-2, UzNET.

Ушбу жамоаларнинг бештаси ўтган йилги саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, жорий мавсумда ҳам финал йўлланмаси учун курашга киришган бўлса, UzNET ва ТШТТ-2 жамоалари ўтган йилги "Тошкент шаҳар ўтиш турнири"да биринчи ҳамда иккинчи ўринларни эгаллаб, жорий йилги саралаш турнирида иштирок ҳуқуқини қўлга киритган эдилар.

Сешанба куни саралаш мусобақаларининг илк ўйинлари бўлиб ўтди.

Қуръага кўра, биринчи тур баҳсидаёқ 2008 йилги чемпион – ШАК ва амалдаги чемпион – ТШТТ жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Баҳсни кузатишга келган мухлислар ўз жамоаларини Африкада машҳур бўлиб улгурган вивузелалар ёрдамида қўллаб-қувватлаб туришди.

Ҳисоб ҳам кескинлик ва муросасизликка мос бўлди – 3:3.

Қолган икки учрашув натижаси қуйидагича:

**UzNET – ТАТУ – 2:4**

**Алоқабанк – Билайн – 3:7**

**17 июл, шанба куни жуфтликлар қуйидагича:**

**8 00да. ТАТУ – Билайн**

**9 00да. ТШТТ – UzNET**

**10 00да. ТШТТ-2 – ШАК**

Таъкидлаш лозимки, баҳсларни одилона бошқариб бориш учун республика тоифасидаги ҳакам – Бердимурод Раимов, биринчи тоифали ҳакамлар – Олег Дачев, Фахриддин Муродов ва Михаил Савичкинлар таклиф этилган.

Эслатиб ўтамиз, ушбу саралаш турнирида 1-6-ўринларни эгаллаган жамоалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Кубоги баҳсларининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритади. 7-ўрин соҳиби эса кейинги йил мусобақаларни ўтиш турнирида бошлайди.

* * *

"Тошкент шаҳар ўтиш турнири"нинг бу йилги баҳслари 17 июлдан 11 августга қадар Ўзбекистон миллий университет спорт залида душанба, чоршанба ва шанба кунлари ўтказилади.

Унда жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

| "А" ГУРУҲИ | "В" ГУРУҲИ |
|---|---|
| UzMobile | ЭММM |
| ДАИ | Unicon.uz |
| РРТМ | ТошТТС |
| МТС-Ўзбекистон | Мониторинг маркази |
| Тошкент почтамти | Ucell |
| Матбуот тарқатувчи | Alskom |
| Махсус авария-тиклаш бошқармаси | |

Мазкур баҳсларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар кейинги йили саралаш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шунингдек, ўтиш турнири ғолибига Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг махсус кубоги ҳам топширилади.

Соҳа футзалига бефарқ бўлмаган барча ишқибозларни Миллий университет спорт залига таклиф этамиз.

HAYOT

# Бир сўз борки...

Ҳаёт сиру синоатларга, муаммоларга тўла жараён. Ақлли, маданиятли инсонгина унинг синовлари олдида эсанкираб қолмайди, энг оғир вазиятлардан ҳам фаросатини ишга солиб, осонгина чиқиб кетади. Айниқса, кишилар билан ўзаро муносабат ўта нозик масаладир. Масалан, оилада қайнона келин тарбияси учун масъул. Ўзга бир хонадонда ўсган, кимнингдир эрка фарзандини ўз оиласидаги тартиб-қоидаларга ўргатиш, "ўз йўлига солиш" осон иш эмас. У истайдими, истамайдими келинга танбеҳ беришга мажбур. Агар келин чиройли тарбия олган бўлса, қайнонасини тўғри тушунишга ҳаракат қилади, ахир қайнона ҳам она, у келиним ёмон бўлсин демайди-ку! Шундай пайтда бир сўз борки, унинг сеҳри ўзгача. Шу сўз орқали қайнона-келин муносабатларига дарз тушмайди, аксинча уларни яқинлаштиради. Бу қандай сўз экан дейсизми? У хатосини тан олганлигини билдириб, кечирим сўрашдир.

Кечириш ва кечирим сўраш. Бу инсон ҳаётида муҳим ўрин тутувчи фазилатлар бўлиб, "кечиринг" сўзининг ўзига яраша сеҳри бор. У жанжал бошланган давралардаги совуқликнинг олдини олади, ўзаро муносабатлардаги кек ва аразга нуқта қўяди. Агар уни кун давомида ишда, дўстлар даврасида, оилада қўлласак, қанчадан-қанча муаммоларнинг олдини олган бўлардик. Зеро, қилган айби учун кечирим сўраш ва аксинча, кечирим сўраган одамни кечира билиш ҳам одоб-ахлоқ белгисидир. Ана шуларни назарда тутган ҳолда биз айрим тавсияларни айтмоқчимиз.

Аввало, ҳар бир инсон уйқуга ётишдан олдин кун давомида қилган яхши ва ёмон ишларини ақл тарозусида тортмоғи лозим. Агар билиб-билмай кимнидир хафа қилган бўлсангиз, биринчи навбатда Яратгандан кечирим сўранг. Ич-ичингиздан, самимий чиққан кечирим туфайли Яратган сизни кечиради ва энг муҳими кечиримли қилади.

Оилада кўп нохуш ҳолатлар кечирим сўрай олмаслик оқибатида келиб чиқади. Баъзилар кечирим сўрашга ўзини пастга уриш сифатида қарайдилар. Бу хато фикр. Маданиятли одамгина мендан ҳам хато ўтмадимикан, дея ўзини имтиҳон қилади ва кимгадир заррача ноҳақлик қилган бўлса одоб билан узр сўрай олади. Бу борада ўзбек менталитети ўз ютуғига эга.

Бирон-бир ташкилотга қўнғироқ қилганингизда ёки кимнингдир хонаси эшигини тақиллатаб кираётганингизда, албатта, "узр, безовта қилмадимми?" сўзларини ишлатинг. Чунки ўрнида қилинган гўзал муомала билан муҳим муаммоингизни ҳал қилишга эришишингиз мумкин.

Ёки қайсидир дўстингиз ёки танишингиз билан учрашувга кеч қоляпсиз. Унга албатта, нимадир совға қилишни унутманг. Самимий узр сўраб берилган совға у қимматми ёки арзонми, ҳарқалай, эътибор белгиси сифатида сизнинг ноқулай вазиятдан чиқишингизга ёрдам беради. Унутманг, халқимизда шундай ажойиб мақол бор: "Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга". Чиройли муомала инсоннинг ички гўзаллиги белгисидир.

***Г.ҲАЙДАРОВА,***
*педагог*

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

**Дунёдаги биринчи олий ўқув юрти қачон ва қаерда пайдо бўлган?**

Газетамизнинг 9 июл 28 (929)-сонида эълон қилинган "Ошкора криптография қачон ва ким томонидан ихтиро қилинган?" саволига жавоб:

— Ошкора криптография бундан 32 йил муқаддам Диффи Хэллман томонидан ихтиро қилинган. Унинг симметрик криптография амалга ошириши мумкин бўлмаган соҳалардан биринчиси электрон рақамли имзо бўлса, иккинчиси махфий параметрларнинг ҳимояланган алоқа канали орқали алмашишидир.

***Шуҳрат АҲМАДЖОНОВ,***
***"Андижон Телеком" филиали мутахассиси***

## Кроссворд

1. Ёз ичимлиги. 2. Ўрта асрлар аскари ниқоби. 3. Чорва озуқаси. 4. Зангламайдиган металл. 5. Жанубий Европада яшовчи халқ номи. 6. Соф оғирлик. 7. Охирги ўтган Олимпия пойтахти. 8. Макрелчўртанлар оиласига мансуб балиқ. 9. Чанқовбосди ичимлик. 10. Бурж. 11. Чех автоси. 12. Геометрик тушунча. 13. Ой (мумтоз адабиёт). 14. Курашдаги "нокаут". 15. Цирк майдони. 16. "Apple" компаниясида тайёрланаётган мобил телефон.




*Тузувчи: С.ТЕМИРОВ*



## Касалим оғир

**Шифокор ҳузурига кирган бемор йиғлаб юборадиган даражада эди.**

**— Сизга нима бўлди, қаерингиз оғрияпти?**

**— Касалим оғир, доктор. Эътибор бериб қарасам ўнг қўлим кичрайиб боряпти.**

**Шифокор беморни яхшилаб текширди ва деди:**

**— Оғайни, сиз яхшиси бошқа костюм сотиб олинг. Касаллик қўлингизда эмас, костюмингизда экан!**



BU — QIZIQ

◎ Чумолихўрлар чумолиларни эмас, балки термитларни истеъмол қилишни хуш кўраркан.

◎ **Ўркачи бўлишига қарамай, туянинг умуртқаси тўғри жойлашган.**

◎ Дунёда ҳар йили илон чақишидан эмас, балки асалари чақишидан кўпроқ киши вафот этади.

◎ **Акулаларда саратонга қарши табиий иммунитет мавжуд.**

◎ Жониворлар ичида энг кўп вақт сув ичмай юра оладигани — каламуш.

◎ **Бегемотлар сувда болалашади.**

◎ Кўрсичқон бир кечада 76 метргача ер ости йўли ковлай олади.

◎ **Шиллиққуртда 25 минг атрофида тишлар мавжуд.**

◎ Туяқуш тухумини қайнатиш учун тўрт соат вақт керак.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
**Ҳаким МУҲИТДИНОВ** (Ҳайъат раиси), **Асаджон ХЎЖАЕВ**, **Миродил САНГИЛОВ**, **Шуҳрат СОДИҚОВ**, **Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ**, **Сувон НАЖБИДДИНОВ**, **Рустам ҚОСИМОВ**, **Содиқжон ҚОСИМОВ**, **Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Лутфилло ТУРСУНОВ** (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ①**
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
**100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.**
**Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.**
**Факс: 288-40-72. E-mail: *info@xabar.uz***

***Обуна индекси — 228.***

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Собит АҲАДОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 11241 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Наманганда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | 223-27-85 | 40-12-19 | 226-06-34 | 225-91-10 | 226-61-85 | 554-35-45 | 233-61-81 | 224-06-12 | 288-40-66 | 226-37-16 | 226-87-71 | 314-08-99 |